

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, info@uzssgz.uz • 2015 йил 17 апрель • № 15 (1036)

Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!

КЕКСАЛАРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ЯШАШНИНГ ЎЗИ БАХТ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида халқимизнинг кексаларни эъзозлаш, уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар тарбиясида оқилona фойдаланиш борасидаги эзгу қадриятлари янги маъно-мазмун билан бойиб бормоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2015 йил 26 мартдаги “Умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Фармойиши, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш вазирлиги томонидан фахрийларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, нуронийларнинг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида дам олиб, даволаниши учун зарур шароитларни яратишга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мунтазам ўтказиб келинаётган “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остидаги тадбирнинг навбатдагиси “Жасорат, бурч, матонат” шиори остида уруш ва меҳнат фахрийларини тиббий


кўриқдан ўтказишга қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлиб, ундан кўзланган мақсад уруш ва меҳнат fronti фахрийларини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, уларнинг ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, клиникалар, илмий-тадқиқот муассасаларида даволаниши учун имконият яратиш, нуронийларга уйда тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнини янада такомиллаштиришдир.

Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги 47-оилавий поликлиникада ташкил этилган чуқурлаштирилган тиббий кўриқда мазкур муассаса шифокорларига кардиология, урология, офтальмология соҳаларига ихтисослашган илмий-амалий марказлар, Тошкент тиббиёт академияси, шаҳар клиникалари олим ва мутахассислари яқиндан кўмак берди.

(Давоми 2-бетда).



Горизонты сотрудничества




ВЫСОКИЕ ТЕХНОЛОГИИ НА СЛУЖБЕ ЗДОРОВЬЯ

Передовое медицинское оборудование и лечебная косметика, эффективные фармацевтические препараты и помогающие восстановить силы организма курорты – широта размаха и многообразие тем стали отличительными чертами юбилейных выставок Международного проекта “Неделя здравоохранения Узбекистана – ТИНЕ” в “Узэкспоцентре”.

(Окончание на 4-стр.)

Анжуман

ЎЗБЕКИСТОН СТОМАТОЛОГИЯСИ янада такомиллашиш босқичида



Тиббиётда йирик йўналиш ҳисобланган стоматология инсон организмда ўзига хос роль ўйнавчи тиш касалликларини ўрганади, ташхис қўяди ва даволашнинг самарали усулларини таклиф этади. Мамлакатимизда бу соҳанинг пойдеворини яратиш, ривожлантириш ва янги технологияларни олиб киришга истиклол йилларида ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!

КЕКСАЛАРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ЯШАШНИНГ ЎЗИ БАХТ



Оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари Нилуфар Кувноқованинг айтишича, ҳудудда истиқомат қиладиган уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ҳамда ёши улғун инсонлар босқичма-босқич тиббий кўриқдан ўтказилиб, улар хонадон, амбулатор, стационар ша-

роитида соғломлаштирилмоқда. 75 нафар фахрийга “Нуронийлар” сиҳатгоҳи ва бошқа санаторийларга йўлланма берилди. Қарийб 80 нафар кексага хонадон шароитида тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Оила шифокорлари ва патронаж ҳамширалар нуронийларнинг аҳолидан доимий хабар олиб, ўз

вақтида тиббий ёрдам кўрсатиб келаётир. Ушбу акция доирасида шифохонага чиқолмайдиган кексаларнинг уйида тиббий кўрик ташкил этилди.

– Шифокорлар доимо ҳолимдан хабар олиб туради, – дейди “Бирлик” маҳалласида яшовчи Мансур ота Алиев. – Бугун ихтисослашган марказларнинг мутахассислари хонадонимга келиб, тиббий кўриқдан ўтказди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга минг бор ташаккур.

Акция доирасида аҳоли ўртасида тиббий маданиятни янада юксалтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларга соғлом оиланинг аҳамиятини, юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари каби мавзулар кун тартибига



кўйилмоқда.

Тадбир давомида фахрийларга ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва клиникалар ҳамда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида тиббий ёрдам кўрсатилиши, жойларда юқори малакали мутахассислар томони-

дан кўргазмали мураккаб жароҳлик операциялари амалга оширилиши, ҳудудий тиббиёт муассасалари амалиётига етмишдан зиёд янги даволаш ва диагностика усуллари татбиқ этилиши кўзда тутилган бўлиб, бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда.



Андижон вилояти



Андижон вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ташкил этилган ҳафталик доирасида аҳолининг барча қатламлари тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғ-

да соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган тадбирлар, кексаларни эъзозлашга бағишлаб “Уйимизнинг кўрки ва файзи” мавзусида диктант ва иншолар тан-

муш тарзи ва дори-дармон воситалари тарғибига оид маълумот ва буклетлар тарқатилди. Умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ўқувчилари томонидан “Кексалар – болалар нигоҳида”, соғлом турмуш тарзини ақс эттирувчи расмлар кўргазмаси, ёш спортчилар, болалар бадий жамоаларининг чиқишлари намойиш этилди.

– Президентимиз раҳнамолигида аҳоли, айниқса, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Валихон Ҳақимов. – Ҳафталик доирасидаги тиббий кўриқларга тажрибали шифокорлар, профессорлар жалб этилди. Вилоят бўйича 35 мингга яқин фуқаро тиббий текширувдан ўтказилиб, зарур тавсия ва маслаҳатлар берилди.

– Ёшим 76 да. Кейинги пайтларда кўзим сал хиралашиб қолгандай бўлган эди. Шунинг учун бугун малакали шифокорлар кўригидан ўтиб, зарур тавсия ва маслаҳатлар олдим, – дейди Андижон шаҳар “Бирлашган” маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Абдулхай Тиллаев. – Фуқароларни саломатлиги ҳақида қайғуриб, шундай кўриқлар ташкил этаётган давлатимизга раҳмат. Айниқса, биз, кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан ўзимизни тобора яшариб кетаётгандек ҳис этмоқдамиз.

– Ёшим 76 да. Кўп йиллардан буён артериал қон босими ошишидан азият чекаман. Шу кунга қадар малакали тиббиёт ходимларининг тавсия ва маслаҳатлари билан даволашиб келмоқдаман. Юртбошимиз томонидан 2015 йилга “Кексаларни эъзозлаш йили” деб ном берилиши биз қарияларга бўлган ҳурмат ва эътиборни янада ёрқин намоен этмоқда. Айниқса, тиббиёт ходимларининг хонадонларимизда бўлиши, шунингдек, шифо масканида ўтказилаётган тиббий кўриқларнинг кексалар саломатлигига қаратил-



ганлигидан мамнунмиз. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан бўлиб ўтаётган “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори ости-

олдим, – дейди андижонлик Раҳмон ота.

Саломатлик тадбири доирасида “Ҳамшира – 2015” кўриқтанловининг вилоят босқичи



лом турмуш тарзи тарғиботи бўйича тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Мурувват, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, шунингдек, 90 ёшдан ошган нуронийлар, Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари хонадонларида тиббий кўрик ташкил этилди. Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари-

лови ўтказилди.

Андижон шаҳар Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган ҳафталикнинг асосий тадбирида даволаш профилактика муассасалари, Андижон Давлат тиббиёт институти ва институт клиникаси мутахассислари, хусусий тиббий муассасалар ходимлари аҳолини тиббий кўриқдан ўтказди.

Маҳаллий ва хорижий маҳсулотлар кўргазмасида соғлом тур-



даги ижтимоий акцияда иштирок этиб, малакали мутахассислардан муҳим маслаҳатлар

бўлиб ўтди. Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш. Абсислардан муҳим маслаҳатлар

Давом этаётган ушбу ижтимоий акциянинг “Жасорат, бурч, матонат” шиори остида ўтказилаётган умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш кунидан ташкил қилинишида катта маъно бор. Дарҳақиқат, кексалари улғунган юртнинг осмони мусаффо, тинчлиги барқарор, хонадонлари файзли, дастурхони эса тўкин-сочиндир. Шундай экан, пири бадавлат отахону онахонларимиз бахтимизга доим омон бўлсинлар, дея эзгу тилаклар билдириб қоламиз.

ЎЗА материаллари асосида Ибодат СОАТОВА тайёрлади. ЎЗА олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анжуман

ЎЗБЕКИСТОН СТОМАТОЛОГИЯСИ
янада такомиллашиш босқичида

Стоматология соҳасини такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, етук ва малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йилнинг 22 июлида эълон қилинган “Тошкент Давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори мазмунидан ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Жорий ўқув йилидан бошлаб Тошкент тиббиёт академияси тасарруфида бўлган стоматология факультетининг мустақил фаолият юритувчи олий таълим даргоҳи сифатида иш бошлаши кенг жамоатчилик томонидан маъқулланмоқда. Ўтган қисқа давр ичида институт ректорати, кафедралари, илмий жамоатчилиги томонидан тиш-жағ соҳасида учрайдиган касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш, тиш протезлаш, даволашнинг энг сўнгги технологияларини амалиётга татбиқ қилиш бўйича ўқув семинари, илмий-амалий анжуман ҳамда халқаро доирадаги конференциялар уюштирилди. Худди шундай нуфузли анжуманлардан бири яқинда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан институт мажлислар залида “Стоматологиянинг долзарб муаммолари” мавзусига бағишлаб ўтказилди.

Халқаро доирада ушбу конференцияга Германия, Россия, Жанубий Корея ҳамда Қозғистон давлатлари вакиллари таклиф этилган эди. Ялпи йиғилишни очиб берган институт ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Нигмон Хабилов Ўзбекистонда миллий стоматология ривожланиш босқичига кирганини, бунинг учун барча имкониятлар ишга солинаётганини таъкидлаб, жумладан шундай деди:

– Бугунги анжуман хорижий делегация вакиллари билан Ўзбекистонда стоматология соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизими қандай йўлга қўйилгани билан танишиш имконини беради. Соҳага билимдон, тажрибали кадрлар тайёрлаб бераётган

даги “Стоматологиянинг турли йўналишлардаги касалликлари”, “Ўзбекистонда тиш имплантологиясининг ривожланиши”, “Болалар стоматологиясидаги ютуқлар”, “Стоматологик касалликларга янги фармакотерапевтик ёндашувлар”, “Ўзбекистон стоматологияси: ташхис қўйиш, касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг янги усуллари”, “Стоматология амалиётида фойдали қурилмалар ва кашфиётлар” каби мавзуларнинг қўйилиши, иштирокчиларнинг баҳс-мунозара юритиши, ўйлашманки, нафақат ўзбек, балки бошқа давлатларнинг мутахассислари билим даражасини, фикрлаш доирасини ҳам янада кенгайтиради. Магистратура йўналишида 50 нафар, бакалаврият босқичида 800 нафардан ортик талаба тахсил олаётган институтимиз илмий жамоатчилиги, ёш тадқиқотчилари учун ушбу нуфузли анжуман муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳар қандай соҳада бўлгани каби стоматологияда қўлланилаётган тажрибанинг аввало, назарий асослари яратилади. Сўнгра у амалиётда синаб кўрилади. Зеро, назария ва амалиёт уйғунлашиб, бир-бирини тўлдирса, илмий лойиҳа ҳаётда ижобий хулоса ясаш учун имконият яратса, бу кўзланган натижа қўлга киритилди, деганидир. Тошкент Давлат стоматология институтига республикамизнинг турли ҳудудларида изланиш олиб бо-

чиларидан бири, Тошкент Давлат стоматология институти ёш олимлар кенгаши раиси Камолхон Тоҳирова шундай дейди:

– Бир қарашда битта йўналишдек туюладиган стоматология соҳасининг кўпчиликлари маълум бўлмаган қирралари бор. Улар бир-бири билан узвий боғланиб кетган. Институтимиз ёш олимлари томонидан оғиз бўшлиғида учрайдиган касалликлар илмий жиҳатдан тадқиқ қилинмоқда. Бугунги анжуманда 20 нафар тадқиқотчимизнинг долзарб мавзудаги илмий маърузалари иштирокчилар ҳукмига деворий электрон кўринишда тақдим қилиняпти. Бундан ташқари, магистратура, клиник ординату-



рига, амалиётга даволашнинг янги технологиялари жорий этилиши учун ҳам шарт-шароит яратилади. Энг муҳими, халқаро конференцияда қатнашаётган талаба ва тадқиқотчиларимизнинг Ўзбекистон ва дунё миқёсидаги тажрибалардан хабардор бўлиши уларнинг келгусидаги фаолиятини тўғри ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуман ялпи йиғилишида стоматология йўналишидаги қизиқарли ва долзарб мавзулар билан бир қаторда, деворий маърузалар намойиш этилди. Ана шундай маърузалардан бири институт магистратураси 1-босқичида таълим олаётган иқтидорли талабалардан бири Рустам Рашидов бўлиб, у анжуман иштирокчилари ҳукмига ўзининг “Миллий тиш имплантациясини биоактив қоғиқ билан қоплаш самарадорлигини экспериментал асослаш” мавзусидаги маърузасини ҳавола этди.

– Ўзбекистон стоматологиясида маҳаллий имплантатлар амалиётга жорий қилинган бўлса-да, улар биологик жиҳатдан фаол қопламага эга эмас. Мен таклиф этаётган лойиҳага мувофиқ, имплантат янги технология билан бойитилади. Тадқиқот ишига илмий раҳбарим, етук олим ва малакали стоматолог Нигмон Хабилов бошчилигида тўртта усул

билан ёндашяпман. Клиник-стоматоскопик, морфологик, рентгенологик, статистик методлар ёрдамида магистрлик диссертациямни илмий жамоатчиликка тақдим этиб, маҳаллий шароитда имплантатлар технологиясига янгилик киритмоқчиман. Бунинг учун тажриба-синов ишларини кинология маркази раҳбарияти билан келишган ҳолда, кўриқлаш хизматида қўйилган итларда ўтказиб кўришни мўлжаллаяпман. Назорат гуруҳлари учун ўнтадан ит танлаб олинади. Биринчи эксперимент гуруҳига жалб этилган итларнинг чакагига биоактив қопламаси бўлмаган, иккинчи гуруҳдаги итларга эса аксинча биоактив қопламаси бўлган имплантат ўрнатилиб, маълум муддат ичида қандай ўзгариш содир бўлгани ўрганиб чиқилади ва олинган хулоса асосида илмий ишланманинг аҳамияти исботланади.

Халқаро конференцияга таклиф қилинган меҳмонлар Ўзбекистон стоматологларининг илмий-назарий ва амалий характердаги тадқиқот ҳамда тажрибалари билан танишар эканлар, таассуротлари ижобий бўлганига шубҳа йўқ. Германиянинг “Мега дента” компанияси бош директори Матиат Гунта ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, шундай дейди:

– Тошкент Давлат стоматология институтида бой тажриба тўпланган экан. Бу даргоҳ мамлакатингиздаги бошқа олий ўқув юртлари учун базавий маскан бўлиб хизмат қилаётганини билдик. Бугунги анжуман баҳонасида, институтнинг ўқув базаси, таълим жараёни билан танишиб кичдим. Мени қувонтирган ҳолат – компаниямизда ишлаб чиқарилаётган тиш пломбасидан стоматологлар унумли фойдаланишаётган экан. Кариеас касаллигини даволашда ишлатиладиган компаниямиз пломбаси мустаҳкам, пишиқ ва мижознинг оғиз бўшлиғида узок йиллар хизмат қилади.

Халқаро конференция ўз ишига яқун ясар экан, Тошкент Давлат стоматология институти ва Германиянинг “Мега-Дента” компанияси ўртасида илмий-назарий, амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида икки томонлама меморандум имзоланди. Конференция ўз ишини яқунлағач, Ўзбекистон стоматологлар ассоциациясининг аънавий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда стоматология соҳасини ривожлантириш, илғор тажрибаларни кенг ёйиш, тиш касалликларини ташхислаш ва даволашнинг янги технологияларини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Хулқар КУЗМЕТОВА.
Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.



Тошкент Давлат стоматология институтида халқаро анжуманнинг ўтказилиши меҳмонларнинг бу ерда олиб борилаётган илмий лойиҳаларга қизиқишини оширади. Кун тартибига энг муҳим ва устувор характер-

раётган ёки институтнинг қайсидир филиалида таълим олаётган илмий изланувчилар, магистрантлар, клиник ординатор ҳамда иқтидорли талабаларнинг таклиф этилиши ва бир-биридан долзарб маърузалар билан қиқши иштирокчиларни бефарқ қолдирмади. Анжуман қатнаш-

Давоми. Боши 1-бетда.

Горизонты сотрудничества

ВЫСОКИЕ ТЕХНОЛОГИИ НА СЛУЖБЕ ЗДОРОВЬЯ



Красота и оригинальность внешнего оформления выставочного зала, экспонируемой продукции в полной мере соответствовала и ее внутреннему содержанию. 157 компаний-участниц представили свыше 200 брендов из 20-ти стран мира – Бельгии, Великобритании, Германии, Индии, Италии, Китая, Южной Кореи, Польши России, Узбекистана и других государств.

Вся продукция, представлен-

ная выставка является знаковым событием в деловой жизни нашей страны, – отметил на открытии «Недели» Министр здравоохранения Республики Узбекистан Анвар Алимов. – Подобные мероприятия вносят существенный вклад в развитие здравоохранения в нашей стране, содействуют привлечению новых медицинских технологий и применению новых фармацевтических препаратов. Год от года преобразуется облик наших

пу компаний из Индии и уже в статусе постоянных участников – коллективный стенд Новосибирского региона Российской Федерации. Эти коллективные экспозиции были представлены компаниями-производителями фармацевтических препаратов, медицинского оборудования и техники.

Традиционно во втором павильоне «Узэкспоцентра» посетители ознакомились с современным диагностическим оборудованием, аппаратами УЗИ, компьютерными томографами, рентген-аппаратами, ЭКГ-мониторами, оборудованием для реанимационных блоков, все для ортопедии и имплантологии, хирургическими инструментами, материалами и многим другим.

Неотъемлемой частью «Недели здравоохранения Узбекистана» также стали проводимые 10-й год подряд выставки Arteka Expo Central Asia и Stomatology Uzbekistan, позволяющие полностью охватить весь спектр услуг сферы здравоохранения.

В этом году выставка Stomatology Uzbekistan пополнилась компанией «Sirona Dental» (Германия), являющейся мировым лидером в сфере производства высокотехнологичного стоматологического оборудования и разработки инновационных решений в области стоматологии.

– Прямое направление нашей компании – стоматология, – рассказал нам в интервью инженер компании ООО «Sergo Dental», представляющей в Узбекистане «Sirona Dental», а также ряд ведущих европейских и отечественных компаний Виктор Чеботарев. – В Узбекистане представительство компании «Sirona Dental» начало свою деятельность с 2008-го года. Стараемся постоянно пополнять перечень предоставляемой нами продукции, начиная от расходных материалов и кончая высокотехнологичным оборудованием. В этом году представляем 2D и 3D-томографы, позволяющие при минимальном риске облучения получить максимум информации о состоянии ротовой полости пациента. С их помощью можно как провести первичную диагностику, так и составить план лечения. Новинкой этого года у нас являются немецкие автоклавы про-класса и премиум-класса в сфере стерилизации. Сегодня вопросам стерилизации оказывается пристальное внимание в связи с повышенным риском заражения такими заболеваниями как ВИЧ/СПИД, гепатит С и другими. Представляемые нами автоклавы отличаются высокой степенью надежности и широтой спектра использования в различных сферах медицины. Также представляем в этом году отечественные камеры для хранения стерилизованных медицинских инструментов «Ультралайт», отличающихся своим высоким качеством.

Примечательно, что среди постоянных участников «Недели здравоохранения» присутствуют ведущие мировые компании – производители, разработчики и поставщики, дистрибьюторы медицинского оборудования, такие как Toshiba, Philips, Samsung Medison, Mindray, Амико и другие.

– Наша дистрибьюторская компания ООО «USTS» работает на рынке Узбекистана более 15-ти лет, – говорит сервис-менеджер ООО «USTS» Мадияр Реджепов. – Мы представляем ряд ведущих компаний по медицинскому оборудованию из Южной Кореи, в том числе и Samsung Medison. В основном это ультра-



звуковая аппаратура, рентген-аппараты и лор-комбайны. Участие в выставке дает возможность наладить новые деловые контакты с фирмами-производителями, а также найти новых заказчиков, нуждающихся в нашем оборудовании. Сегодня реализуемая нами продукция есть в Ташкентском институте усовершенствования врачей, в областных больницах, частных клиниках Ферганы, Хорезма, Джизака, Навои.

– Компания «Medical Техно-

логия» является официальным дистрибьютором фирмы Philips в Узбекистане, – говорит менеджер компании Бехзод Нишанов. – Компания представляет целый ряд диагностического оборудования ЭКГ, рентген-аппаратуры, компьютерных и магнитных томографов, ангиографическую аппаратуру, используемую при различных операциях. У нас имеется профессиональная база, обеспечивающая наладку оборудования, гарантийное и постгарантийное обслуживание. Наша аппаратура успешно используется в РНЦЭМП, Республиканском специализированном центре грудной хирургии имени академика В.Вахидова, Республиканском скрининг-центре и его филиалах, онкологической службе страны и во многих других медицинских учреждениях.



Также внимание посетителей на выставке привлекли компания «Intermed», являющаяся официальным дистрибьютором китайской компании «Mindray» в Узбекистане и относительно недавно развернувшей свою деятельность на рынке Узбекистана китайская компания «Anke». По словам коммерческого директора компании «Intermed» Алишера Давлетова, представляемая ими компания является признанным

лидером в сфере производства медицинского оборудования и свободно конкурирует с крупнейшими европейскими компаниями в области ультразвуковой аппаратуры. На выставке был представлен цифровой рентгенографический аппарат, созданный на основе британской системы, внедренной в производство китайской компанией. В планах у компании выпуск медицинских реагентов, реактивов для стоматологической отрасли.

Коммерческий менеджер компании «Anke» Дима Ван рассказал нам о цифровом рентгено-

вском маммографе и другой аппаратуре, постепенно завоевывающей свои позиции в сфере здравоохранения Узбекистана.

На выставке также широко была представлена фармацевтическая отрасль, где свою продукцию экспонировали как зарубежные, так и отечественные производители. Среди них, к примеру, ИП «Nobel Farm Sanoat», начавшее свою деятельность в Узбекистане с 2000-го года и выпускающее более 80-ти наименований лекарственных средств растительного происхождения, в том числе гепатопротекторы и антидепрессанты растительного происхождения. Также индийская компания «Шрей», чья продукция на растительной основе направлена на борьбу с проблемами бесплодия у мужчин и женщин, оздоровление организма, выпускающая гипогликемические препараты, а также для лечения суставов и сердца. Новинки фармацевтической промышленности представили такие компании, как Материа Медиа Холдинг (Россия), Белмедпрепараты (Беларусь), Fagusal и Immunomed (Узбекистан) и другие.

«Неделя здравоохранения Узбекистана» преследует сразу несколько целей – не только представление новой продукции, налаживание деловых отношений, но и научно-образовательную. В рамках 11-й Международной выставки Stomatology Uzbekistan 2015 был организован научно-практический форум в здании Ташкентского государственного стоматологического института.

Оксана КАДЫШЕВА. Фото Жасура ЖАЛИЛОВА.



ная в рамках проекта была разделена тематически по трем основным направлениям. Это 20-я Юбилейная Ташкентская Международная выставка «Здравоохранение – 2015», 10-я Международная выставка «Фармацевтическая индустрия – Arteka Expo Central Asia 2015» и 11-я Международная выставка «Стоматология – Stomatology Uzbekistan 2015». Организаторами проекта выступили Министерство здравоохранения Республики Узбекистан, Министерство внешних экономических связей, инвестиций и торговли Республики Узбекистан, ООО «Узтибтехника», ГАК «Узфармсаннат», Ассоциация стоматологов и Торгово-промышленная палата Республики Узбекистан.

Примечательно, что Ташкентская выставка здравоохранения ТИНЕ является самым первым экспо-событием Международной выставочной компании ITE Uzbekistan, которая на протяжении 20 лет успешно осуществляет свою деятельность в республике. Дебютная выставка «Здравоохранение» была организована в Ташкенте в 1995 году. Это было первое специализированное мероприятие международного уровня по данной тематике. Из года в год перечень экспонентов пополняется новыми брендами, компаниями, многие из которых стали уже постоянными участниками.

– Международная медицин-

ская выставка является знаковым событием в деловой жизни нашей страны, – отметил на открытии «Недели» Министр здравоохранения Республики Узбекистан Анвар Алимов. – Подобные мероприятия вносят существенный вклад в развитие здравоохранения в нашей стране, содействуют привлечению новых медицинских технологий и применению новых фармацевтических препаратов. Год от года преобразуется облик наших

больниц за счет оснащения высокотехнологичным оборудованием, и, главное, оно становится все более доступным населению. Благодаря налаживанию деловых связей с ведущими зарубежными медицинскими компаниями и реализации совместных проектов осуществляется техническое оснащение детских больниц республики, ведущих научно-практических центров Узбекистана, идет также оснащение передовым медицинским оборудованием онкологической службы страны. Радует тот факт, что на сегодняшний день на отечественном рынке успешно работает 50 компаний, специализирующихся на выпуске медицинского оборудования, мебели, фармацевтических препаратов (их в Узбекистане сегодня представлено более тысячи наименований).

Международный проект ТИНЕ сегодня, по словам генерального директора ITE Uzbekistan Нигоры Хасановой, также принявшей участие в открытии выставок, служит бизнес-платформой для деловых и профессиональных встреч производителей медицинского оборудования, расходных материалов, лекарственных средств и практикующих специалистов. За годы проведения события успело завоевать статус самой крупной Международной медицинской выставки в Узбекистане, а с 2008 года бизнес-эффективность ТИНЕ подтверждена Всемирным Аудитом – UFI.

Второй год подряд «Неделя здравоохранения Узбекистана» представила Национальную груп-

(Окончание.
Начало на 1-й стр.)

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ЭЗГУЛИКНИНГ ЙЎЛЛАРИ УЗУН



васийликка олинган.
Бу ерда ҳар бир байрам, муҳим саналар арафасида хайрия тadbирлари ташкил этилади. Айниқса, Хотира ва қадрлаш кuni муносабати билан байрам дастурхони ёзилиб, нуронийларга совға-саломлар улашилади. Кўплаб корхона ва ташкилотлар, саховатпеша yртдошларимиз ҳомийлик ёрдамларини аямайди.
– Васийликка олинган кекса ва ногиронлар бу ерда чин меҳр ва саховатни ҳис этиб яшайди, – дейди интернат директори Ҳабибулло Тошалиев.
– Уларнинг саломатлиги малакали шифокорларнинг доимий назоратида. Ҳомийлар, сахо-

...Йўлакдаёқ Мавлуда опани бир гуруҳ онахон ва отахонлар ўраб олди.

– Вера холанинг соғлиги қандай? – сўради улар йўлак охиридаги эшиги очиқ хонага ишора қилиб.

– Тузук, дори-дармонлардан кейин анча ўзига келиб қолди. Иштаҳаси ҳам яхши.

Мавлудахон билан уч-тўрт қария Вера холанинг хузурига кирди. Ҳақиқатан ҳам, унинг чехраси очиқ, димоғи чоғ эди.

– Мурувватли инсонларнинг умри узоқ бўлсин, – деди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Вера Дмитриева. – Ҳозиргина собиқ ҳамкасбларим келиб



кетишди. Гап совғада эмас, кўнгилда, эътиборда...

Фарғона шаҳридаги “Саховат” уйида иш кuni худди шундай бошланади.

Кексалар, айниқса, ёлғиз қариялар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш давлатимизнинг доимий эътиборида. Президентимизнинг 2011 йил 30 майдаги “2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Қарори уларни аниқ ман-

зилли ижтимоий муҳофаза қилишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Фарғона вилоятида ҳам кексалар ва ногиронларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизмат сифати яхшиланиб, даволаш муассасалари замонавий талаблар асосида қайта таъмирланмоқда. Шаҳар ва туманлардаги Саховат, Мурувват уйлари, уруш ва меҳнат fronti фахрийлари сиҳатгоҳларида юқори даражада тиббий хизмат кўрсатилаётди. Хусусан, Фарғона шаҳридаги “Саховат” кексалар ва ногиронлар интернат-уйида ҳам барча шароитлар яратилиб, 122 нафар ёлғиз кекса ва ногирон

ватпеша инсонлар доимо бизга яқиндан кўмак беради. Кутубхона, физиотерапия хоналари улар хизматига.

Кексаларни эъзозлаш йилида бундай хайрли ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Васийликка олинганларнинг соғлигини янада яхшилаш, интернат-уйини капитал реконструкция қилиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, турли маданий-маърифий тadbирлар ташкил этиш бўйича аниқ тadbирлар белгиланган.

– Кўриб турибсиз, соғлигим яхши, шифокору ҳамширалар назоратидаман, – дейди Вера хола. – Давлатимизга раҳмат, биз каби кексаларни ёлғизлатиб қўймайди. Ёлғизлик нима-лигини билмай бахтиёр яшаш учун барча шароит муҳайё. Энг муҳими, юртимиз тинч, кўнглимиз хотиржам. Энг улуг давлат – мана шу.

Эзгуликнинг йўллари узун, дейишади. Ёлғиз кексалар, ногиронларга кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатлари барча нарсалардан устун туришининг амалий тасдиғидир.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
Муқимжон ҚОДИРОВ
олган суратлар.
(ЎЗА).**

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

ТАЭКВОНДО

Хитой Тайпейида давом этаётган ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Осие чемпионатида навбатдаги голиб ва совриндорлар номи маълум бўлди. Унда ўзбекистонлик ёш спортчилар ҳам шоҳсупага кўтарилди.

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасидан

маълум қилинишича, қизлар ўртасидаги вазни 41 килограммгача бўлган баҳсларда Мадина Маннопова кумуш медални қўлга киритди. Ҳамюртларимиздан Жасурбек Зокиров, Бекзод Иброҳимов ва Абдулла Шомуродов ўз вазн тоифасида бронза медали билан тақдирланди.

Б. АЙТМУРОДОВ.

Маҳорат дарслари

Соғлиқни сақлаш муассасаларида ташкил қилинаётган “Маҳорат дарслари”нинг бу галгиси Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида бўлиб ўтди. Унга мазкур марказ ва туманлар тиббиёт бирлашмалари жарроҳлари ҳам таклиф этилди. Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ўпка ва кўкс оралиги аъзолари жарроҳлиги бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Шухрат Худойберганов кўкрак жарроҳлиги бўйича видеотасвирлар орқали маъруза қилди.

АМАЛИЁТЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛДИ

Жарроҳлик маркази катта илмий ходимлари, тиббиёт фанлари номзодлари Ортиқали Ирисов, Насриддин Турсуновлар ҳам касалликлар диагностикаси ва профилактикаси тўғрисида кенг маълумот бердилар. Саволларга жавоблар қайтарилди.

“Маҳорат дарслари”нинг амалий қисми вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалида олиб борилди.

Кун давомида тиббиётчи олимлар вилоят жарроҳлари билан ҳамкорликда амалиёт ўтказишди. Соҳага оид янгиликлар операция жараёнига татбиқ қилинди.

– Вилоятда кўкрак жарроҳлиги диагностикасини такомиллаштириш, кўкрак қафаси, кўкс оралиги аъзолари касалликларини эрта таҳлил қилиш ва даволаш ҳамда касалликлар профилактикасини кучайтиришга урғу берилди. Вилоятимиздаги 100 нафардан зиёд хирург амалий машғулотлардан баҳраманд бўлди. Кўкс оралиги хавфли ва хавфсиз ўсмаларини аниқлаш, операция усуллари, уларни қайси шароитда, қандай ўтказиш ўргатилди. Шунингдек, ўпкада эхинококк касалликлари диагностикаси, операция усуллари, қайталанишнинг олдини олиш юзасидан давра суҳбатлари ҳам уюштирилди. Айниқса, ўпкадаги бронхоэктазия касалликларининг бирламчи тиббий-санитария бўғинида нафақат вилоят, балки туман тиббиёт бирлашмалари шароитида операция ўтказиш масалаларига диққат-эътибор қаратилди. Амалий машғулотларда тиббиёт фанлари доктори Шухрат Худойберганов ва унинг ассистентлари вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази хирурглари билан бирга бир неча мураккаб кўргазмали жарроҳлик амалиётлари ўтказишди. Хусусан, ўнг ўпка пастки бўлагини олиб ташлаш операцияси бир вақтнинг ўзида ўпкадаги кўплаб эхинококк касаллиги бор беморларда амалга оширилиб, ижобий самара берди, – деди вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори, олий тоифали жарроҳ Толибжон Мамадумаров.

Маҳорат дарсларидаги амалий машғулотлар янги операциялар татбиқ этилишига асос бўлади. Tadbир давомида 15 тага яқин янги жарроҳлик амалиёти бажарилди.

**Рустамали МАМАДАЛИЕВ,
Наманган вилояти.**

Жараён

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнини Қашқадарё вилояти Қарши туманида жорий йилда қуриб фойдаланишга топширилган кўп тармоқли марказий поликлиника фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.



150 қатновга мўлжалланган тиббий муассаса илғор ташхис жиҳозлари билан таъминланган. 69 нафар малакали шифокор,



177 ҳамшира аҳоли, айниқса, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш борасидаги ишларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширмоқда.

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ
олган суратлар.**

Саломатлигингиз ўз қўлингизда

СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ

Инсон соғлигини асрашда унинг роли қандай?

Хавф ортда қолди

Ҳаёт тасодифларга тўла. 60 ёшдан ошган отахонлардан бири маҳалла гузаридеги ариқдан сакрайман деб, эҳтиётсизлик туфайли йиқилиб тушди. Бир лаҳзага мувозанатини йўқотгани учун ўзини билмай қолди. Аммо зум ўтмай, худди нима рўй берганини идрок қилгандек, секин кўзғалиб, ўрнидан турди. Оғриқ ўнг оёғининг сон қисмида кўпроқ сезилгани учун 100-150 қадамча масофани оқсоқлани босди. Оғриқ кечга қадар давом этиб, тарқагандай бўлса-да, эртаси куни отахон хавф зўрайиб кетмаслиги учун қишлоқ врачлик пунктига чиқди.

– Ташвишланадиган жойи йўқ, оёғингиз озгина лат еган. Сизнинг ёшингизда йиқилган кишиларнинг ўрнидан туриши кўпинча қийинроқ кечади. Эшитишимга қараганда, сиргиларингиз кўп, сут маҳсулотларини доимий истеъмол қилсангиз керак. Суяқларингиз мустаҳкам, кўнглингиз тўқ бўлсин, хавф ортда қолди. Агар сиз ҳар куни бир коса сутга нон тўграб ичмай, нон-чоё ичиб юргангизда, билмадим, аҳволингиз нима кечарди?

...Бундай воқеаларга кўпчилигимиз тез-тез гувоҳ бўламыз ва шунда доимий эшитиб юрган "Сут маҳсулотлари инсон саломатлиги учун жуда фойдали" деган гап кўнглимизнинг бир четидан ўтади.

Тадқиқотларда кўрсатилшича...

Дарҳақиқат, сут ва сут маҳсулотлари бошқа озиқ-овқат турларига нисбатан инсон организми учун жуда фойдали ҳисобланиши тиббий тадқиқотларда кўп маротаба тасдиқланган. Канадалик шифокорлар икки ёшдан беш ёшгача бўлган болалар ҳар куни 0,5 литр сут ичиши кераклигини таъкидлайдилар. "Медицинские вести" манбасида айтилишича, болалар шифокори Жонатан Магир касбдошлари билан бирга 1311 нафар бола ўртасида тадқиқот ўтказишган. Аниқланишича, сутни кам ичган болаларда Д витамини кўрсаткичи пасайиб кетган. Сутни керагидан ортиқ ичиш ҳам фойдали эмас, дейди мутахассислар. Канадалик шифокорлар сутни меъеридан ортиқ истеъмол қилиш қонда темир моддаси камайиб кетиши, иммунитет пасайиши ва қалқонсимон без фаолияти суьсайишига олиб келиши мумкин эканлигини ҳам айтмоқдалар. Аммо бошқа мутахассислар канадалик ҳамкасблари фикрини инкор қилган ҳолда, ҳар куни 1 литр сут ичган боланинг суяқлари мустаҳкам бўлишини уқтирадлар.

Британиялик тадқиқотчилар, агар инсон болаликдан бошлаб ҳар куни бир стакан сут ичишга одатланган бўлса, қариш жараёни 5 фоизга камаяр экан, деган хулосага келишди. Бундан ташқари, қариганда юзага келадиган ҳазм қилиш билан боғлиқ муаммолар хавфи ҳам 25 фоизга пасайиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ижтимоий мактаблар ва Бристол университетини экспертлари ўз тадқиқот натижаларини олгач, уни тасдиқлаб, ҳар куни сиргил сутини ичиш қарияларнинг жисмоний фаоллигини ошириб, юрак ва қон-томир касалликлари ривожланишини бир неча баробарга камайтиришини башорат қилмоқдалар.

Сутнинг таркибида нима бор?

Одатда ранги оппоқ, ёғлилик даражасига қараб сарғимтир, оқимтир кўринишдаги сиргил сутини мамлакатимиз аҳолиси севиб истеъмол қила-



ди. Унинг таркиби ҳақида билганларимиз умумий, аслида лаборатория таҳлиллари бу суюқликнинг ичида кўплаб фойдали озиқ моддалар борлигини исботлайди.

Сутнинг таркиби жуда мураккаб, унда организм учун зарур бўлган 100 хилдан ортиқ озиқ модда – ёғ кислоталари, аминокислоталар, витаминлар, қанд, турли минерал тузлар, гормонлар бор. Озиқ-овқат тури сифатида энг кўп ишлатиладигани, одатда сиргил сутидир. Унинг кимёвий таркиби – 87,5 фоиз сув, 3,8 фоиз ёғ, 3,3 фоиз оқсил, 0,7 фоиз углеводдан иборат. Сут оқсилли (казени, альбумин, глобулин)да бошқа ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар бор. 1 литр сут катта ёшдаги одамнинг аминокислоталарга бўлган эҳтиёжини 50 фоиз ҳолатда қоплаши мумкин. Ушбу суюқлик таркибида энг шифобахш озиқ моддалардан бири бўлган лактоза тўйимлилиги жиҳатидан қандга тенглаштирилади. Шунингдек, сут таркибида кальций, фосфор, калий, магний ва бошқа микроэлементлар борлиги маълум.

Қатик, кефир



Бозор ва дўконларда бўлган киши, албатта 0,5 ёки 1 литрлик идишга солинган қатик маҳсулотларини харид қилиши мумкин. Супермаркет ва бошқа савдо шаҳобчаларида сотилаётган қатик хусусий тадбиркорлар томонидан аҳолига тортиқ қилинаётган маҳсулотларга нисбатан қимматроқ. Чунки бунда маҳсулотни тайёрлаётган хусусий корхоналардаги барча харажатлар ва уни дўконга ташиб келиш жараёни инобатга олинган.

– Кефир, яъни қатик тайёрлашда сутнинг ўзидан фойдаланилади. Кефир замбуруғлари – янги ҳосил бўлувчи мустаҳкам симбиотик моддадир. Кефир замбуруғи таркибида қатор сут кислотаси бактериялари қиради. Кефирдаги сут кислотаси таёқчалари 1см³да 10⁷-10⁸ни ташкил қилади. Ивиш жараёнининг давомийлиги оширилганда ва ҳарорат кўтарилганда бу бактерияларнинг сони 1см³ да 10⁹гача ошади, бу эса маҳсулотнинг ачишига олиб келади. Ачитки ачитқили сут кислоталари бактерияларига қараганда анча секин ривожланади, шу сабабдан улар миқдорининг кўпайиши маҳсулот тайёр бўлаётган даврда кузатилади ва 1см³да 10⁶ни ташкил қилади. Ачитқининг керагидан ортиқча ривожланиши ивишнинг баланд ҳароратида ва маҳсулотни узок вақт давомидида ушлаб туриш ҳолларида содир бўлиши мумкин. Кефирнинг ивиш ва тайёр бўлиш жараёни 20-22°C ҳароратда 10-12 соат давомидида олиб борилади. Бу суюқлик парҳез таом сифатида ишлатилади. У овқат ҳазм бўлишини фаоллаштиради, ичакнинг мотор функциясини оширади, микрофлорасини нормаллаштиради. Санаторийимизга келиб, соғлигини тиклайдиган кишиларнинг кечки овқат таомнамасига қатик киритамиз. Қатик барча касаллик турларида фойдали бўлгани учун даволанувчилар уни сеиб истеъмол қилишди, – дейди бу ҳақда "Кибрай" клиник санаторийси диетологи Саидахон Шералиева.

Ривоят қилишларича, буюқ табиб Абу Али ибн Сино вафот этаётган паллада унинг шогирдлари таҳликага тушади. "Устоз, сиз у дунёга кетиб қолсангиз, биз нима қиламиз?". Шунда табибларнинг табиби шогирдларига: "Мен кетсам ҳам, қатик қоляпти", дея бу шифобахш сут маҳсулотига юқори баҳо берган экан.

Сметана қариш жараёни секинлаштиради

Сметана қаймоққа нисбатан ёғлилик даражаси камроқ бўлган сут маҳсулоти бўлиб, пастеризация қилинган қаймоққа

тоза сут кислота культураси қўшиб тайёрланади. Таркибида турли миқдорда (10 фоиздан 40 фоизгача) ёғи ҳар хил бўлган сметана ишлаб чиқарилади. Ушбу сут маҳсулотини доимий равишда истеъмол қилиш организмнинг қариш жараёнини секинлаштиради, тетиклик ва бардамлик бахш этади.



Ҳасана МУҲАММЕДЁРОВА, 58 ёш, Тошкент механика очик акциядорлик жамияти ходимаси:

– Болалигимдан сут маҳсулотларини мунтазам равишда истеъмол қилиб келаман. Айниқса, улар орасида сметанага меҳрим бўлакча. Ҳафтасига 2 кг. творог, 1 литр сметана харид қиламан. Сут маҳсулотлари гарчанд холодильникда турса ҳам тез айнийди. Шунинг учун кўпинча 1 кг. творог ва 0,5 литр сметана харид қилиб, нонуштадан камида ярим соат аввал еб оламан. Кун бўйи тетик юришимнинг сабаби шунда. Кўпчилик таниш-билишларим: "Ҳамиша елиб-югурасиз, соғлом кўринасиз" дея менга хайрон бўлиб савол беришади. Бунинг сири таомнамга сут маҳсулотларини доимий равишда киритганим бўлса керак.

Пишлоқ таркибида нима бор?

Аҳоли ўртасида учрайдиган энг кўп тиш касалликларидан бири қариесдир. Бунинг олдини олишда пишлоқнинг роли жуда катта эканлиги тадқиқотларда аниқланган. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тасарруфидаги тиббий-санитария бирлашмаси олий тоифали шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Муаттар Алиеванинг қабулига келган беморларда ҳам ана шу касаллик кўп қайд қилинади. Шифокор улардан пишлоқ истеъмол қилиш-қилмаслигини сўрайди. Маълум бўладики, уларнинг аксарияти ширинликни пишлоққа нисбатан кўпроқ ейдилар.

– Одатда оғизда ишқорий муҳит 5,5 дан кам бўлса, тиш эрозияси кучайиб, қариесга олиб келади. Ўтказилган тажрибат чоғида пишлоқ истеъмол қилганларнинг оғиз бўшлиғидаги ишқорий муҳит яхшиланган. Сут ва йогурт истеъмол қилинганда эса (гарчи улар ҳам сут маҳсулоти бўлса-да) оғиз бўшлиғи ички муҳити ўзгармаган ва нормал ҳолатда бўлган. Аниқланишича, ишқорий муҳит даражасининг ошиши пишлоқ таркибидаги моддалар ва оғизда сўлак ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқ. Унинг таркибидаги микроэлементлар тиш эмаллини мустаҳкамлаб, эрозиядан сақлайди, оғизда сўлак ажралишини кучайтиради. Харид пайтида қаттиқ, ёғи олинган суддан тайёрланган пишлоқни танлаш керак. Бу маҳсулот таркибида 30 фоизгача оқсил бор, уларнинг аксарияти А, В1, В2, И6, В9, В12, С, Е, РР дармондориларига, макро ва микроэлементлар (темир, кальций, магний, марганец, мис, фосфор, рух)га бой, – дейди шифокор Муаттар Алиева.

Йогурт ҳақида нималарни биламиз?

Калифорния университети олимлари ичак микрофлораси ва мия фаолияти орасида қандай боғлиқлик бор, деган саволга жавоб топишди. Мутахассислар бунга бир ой давомидида 18-55 ёшли 36 нафар соғлом аёллар билан олиб борилган тадқиқот натижасида эришишди. Иштирокчи аёллар уч гуруҳга бўлинган ҳолда бир ой кузатилган.

Биринчи гуруҳдагилар бу муддат ичида вақти-вақти билан таркибида фойда-

ли микроорганизм ва сувда эрийдиган витамини бўлган йогурт ичишди. Иккинчи гуруҳдагилар эса мунтазам равишда таркиби қўшимчалардан ҳоли бўлган оддий йогурт қабул қилишди. Учинчи гуруҳга кирганлар эса умуман сут маҳсулоти истеъмол қилишмади. Натижа қандай бўлди, дерсиз?

Биринчи гуруҳдагилар жисмонан ва руҳан тетик. Иккинчи гуруҳ аъзоларида мия фаолияти яхшилангани кузатилиб, уларда миянинг англаш қобилиятига жавоб берувчи қисми фаоллашган. Сўнги гуруҳдагиларда ижобий ҳолат кузатилмади. Бундан хулоса: йогурт истеъмол қилишнинг саломатликда роли катта.

Ана шу фикрни уч фарзанднинг онаси бўлган Феруза Холмуродова ҳам тасдиқлайди:

– Икки қизалоғимдан сўнг ўғил фарзанд кўрдим. Уларни соғлом ривожлантиришда сут маҳсулотлари қаторидан ўрин олувчи йогуртдан фойдаланаяпман. Ҳозир тадбиркорлик субъектлари томонидан турли мева қўшимчалари билан тайёрланаётган йогуртнинг кўплаб турларини сотувдан топимиз қийин эмас. Харид чоғида маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган кунига албатта, эътибор қаратиш керак. Акс ҳолда 3-4 кунлик маҳсулотнинг сифати бузилган бўлиши мумкин.

Бола саломатлиги учун бебахо маҳсулот

Ҳа, ҳар бир оилада дунёга келган ва туғилиш арафасида турган зурриётларнинг соғлом ривожланиши ният қилинади, бунинг учун имконият ахтарилади. Истаган имкон топар, деганларидек, сут маҳсулотларининг бола ривожланишидаги аҳамиятини чуқур тушунган ота-оналар харид қилишга эътибор берадилар. Айниқса, мактабгача ёшдаги фарзандларимизнинг сут маҳсулотларини истеъмол қилиши учун шарт-шароит яратишга давлат миқёсида гамхўрлик кўрсатилади.

Раъно МАҚСУМОВА, Тошкент шаҳидаги 141-МТМ шифокори:

– Муассасамизда 300 нафарга яқин кичкинтой парвариш қилинади. 2 та ясли, 6 та ўрта ва 4 та катта гуруҳга бириктирилган тарбияланувчиларни соғлом ривожлантириш, ота-оналарнинг ўз фарзандидан кўнгли тўқ ҳолатда ишга бориб келишини, жисмонан ва руҳан соғлом ўсишини таъминлашга қаратилган барча машғулотларни олиб боришга шифокор, тиббиёт ҳамшираси, тарбиячи ва энагалар масъул ҳисобланади. Кундалик таомнамидан сут маҳсулотлари кўпроқ ўрин эгаллайди. Ҳар куни эрталаб сариеғ қаторида гречка, манний ва бошқа ёрма маҳсулотларидан тайёрланган бўтқа болаларга тортилади. Тушлиқда суюқ ва қуюқ таом орқасидан овқат ҳазм қилишни яхшилаш мақсадида кефир, қатик тарқатилади. Кечкурун уйга кетишлари олдида кичкинтойларга ўзимизда ишлаб чиқарилган пишлоқ бутерброд қилиб берилади. Таомномани тузишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан буйруқлаштирилган норматив-меъерий жадвалга таянамиз. Ушбу жадвалда бола ёшига ва психофизиологик ривожланишига мос меъерий миқдор акс эттирилган.

Хулоса. Мавзуга дахлдор барча маълумотларнинг ҳаққоний эканлигига шубҳа йўқ. Соғлом овқатланиш рақибонида ўз ўрнига эга бўлган сут маҳсулотлари ҳақидаги илмий тадқиқотларга нуқта қўйилган эмас. Келажақда ҳар бири ўзига хос таъм касб этувчи оппоқ рангдаги сут маҳсулотлари ҳақида яна ҳам қизиқарли маълумотлар аниқланиши мумкин.

Хулқар КУЗМЕТОВА.



Инвестиция дастури амалда ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Мамлакатимиз ҳудудларида замонавий қулайликларга эга бўлган иншоотларнинг қурилиб, фойдаланишга топширилаётганлиги аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада оширомоқда. Жумладан, Фарғона шаҳрида Инвестиция дастури доирасида жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган Фарғона вилоят сил касалликлари шифохонаси янгидан бунёд этилиб, аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Янги шифо маскани Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Марат Содиқов кириш сўзи билан очиб, республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган бундай саховатли ишларнинг барчаси халқимиз саломатлигига қаратилганлиги билан аҳамиятли эканлигини алоҳида таъкидлади. Тадбирда Республика фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг директор ўринбосари З. Рашидов ва шу институт профессори П. Назировлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланишни камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ушбу йўналишда фтизиатрия тизимини ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, тиббий хизмат муассасаларининг моддий-техник базасини бойитиш борасида амалга оширилаётган фаолиятлар хусусида сўз юритдилар.

Мазкур шифо масканини сифатли қуриб битиришда М. Абдуқодиров раҳбарлигидаги масъулияти чекланган жамият жамоасининг хизматлари катта бўлди.

– Кексаларни эъозлаш йилида фойдаланишга топширилган икки қаватли ушбу бинода барча шароитлар яратилган, – дейди вилоят сил касалликлари шифохонаси бош врачлари Абдумалик Юсупов. – Маъмурий бино, маънавият ва маърифат хонаси, мажлислар зали, лаборатория, бўлимларнинг барчаси замонавий аппаратуралар ҳамда зарурий жиҳозлар билан таъминланган.

Мамлакатимизда Инвестиция дастури доирасида замонавий тиббиёт масканлари кўпайиб, халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган ишлар кўлами кенгаймоқда.

ИБРАТЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

Марғилон шаҳридаги 2-оилавий поликлиниканинг тиббиёт ходимлари аҳоли ўртасида касалликларни эрта аниқлаш, профилактика ва чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни ўтказиш борасида ибратли ишларни амалга ошириб келмоқдалар.

Мазкур тиббиёт муассасаси ҳудудида истиқомат қилаётган 51749 нафар фуқарога малакали тиббий ёрдам кўрсатилди. Шундан 12354 нафарини туғиш ёшидаги аёллар, 13430 нафарини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил қилади. Ўтган йили 12354 нафар бўлажак оналар тиббий кўриқдан ўтказилиб, улардан 6167 нафарида экстрагенитал касалликлар аниқланиб, соғломлаштирилди. 14 ёшгача бўлган болаларнинг 13430 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. Касаллиги аниқланган болаларни амбулатор ва стационар шароитида даволаш тавсия қилинди. 1157 нафар ҳомиладор аёл бирламчи скрининг назоратидан ўтказилди.

– Поликлиникамиз жамоаси "Янги боғ", Алишер Навоий номли, "Ёвқочар", Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш, шунингдек, соғлом онадан соғлом бола дунёга келиши бўйича мунтазам равишда тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Ўтган йил давомида гепатит "А" касаллигига қарши 51 нафар кам таъминланган оила фарзандлари бепул эмланди, – дейди бош шифокор Нодир Раҳимов. – Бу каби эзгу ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида Кексаларни эъозлаш йили муносабати билан ҳудудимизда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари саломатлигини тиббий кўриқдан ўтказиб келмоқдамиз.

Албатта, тиббиёт тизимидаги бундай ибратли ишлар инсон саломатлиги йўлида олиб борилаётган эзгу мақсадли саъй-ҳаракатларнинг яққол ифодасидир.

**Муҳаммаджон МАХМУДОВ,
Марғилон шаҳри.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қуйидаги тиббиёт коллежларининг директор ўринбосарлари бўш (вакант) лавозимларига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Тиббиёт коллежи номи	Лавозими
1.	Кўнғирот тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари
2.	Тўртқўл тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари
3.	Элликқалъа тиббиёт коллежи	Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари
4.	Бўз тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари
5.	Асака тиббиёт коллежи	Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари
6.	Балиқчи тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари
7.	Қорақўл тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари
8.	Қорақўл тиббиёт коллежи	Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари
9.	Афсона тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари
10.	Зомин тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари
11.	Қарши тиббиёт коллежи	Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари
12.	1-Наманган тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари
13.	Чуст тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари
14.	Навоий тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари
15.	Хатирчи тиббиёт коллежи	Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари
16.	Пахтачи тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари
17.	Шеробод тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари
18.	Сариосиё тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари
19.	Гулистон тиббиёт коллежи	Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари
20.	Чирчиқ тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари
21.	Зангиота тиббиёт коллежи	Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари
22.	Фарғона тиббиёт коллежи	Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари
23.	2-Марғилон тиббиёт коллежи	Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари

Танловда қатнашишга хоҳиш билдирган шахслар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кадрлар билан ишлаш бошқармасига танлов эълон қилингандан сўнг бир ой муддат давомида қуйидаги ҳужжатларни топширишлари мумкин:

1. Соғлиқни сақлаш вазири номига ариза;
2. Маълумотнома;
3. Сўровнома;
4. Таржимаи ҳол;
5. Паспорт нусхаси;
6. Маълумоти ва малакаси бўйича ҳужжатлар нусхаси;
7. Малака ошириш бўйича ҳужжатлар нусхаси (гувоҳнома, сертификат, лицензия ва ҳоказо);
8. Меҳнат дафтарчасидан нусха;
9. 3x4 ҳажмдаги 4 дона фотосурат;
10. Директор ўринбосари лавозимини амалга ошириш учун ихтиёрий равишда ёзилган концепция (режа).

**Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 12-уй.
Мурожаат учун телефонлар: 244-12-02, 241-54-54.**

Мутахассис оғоҳлантиради

ЗАҲАРЛИ ҚЎЗИҚОРИНДАН САҚЛАНИНГ!

Баҳор фаслида об-ҳавонинг нам келиши, ёгингарчилик мўл-кўл бўлиши туфайли замбуруғлар ўсиб, ривожланиши учун қулай шароит вужудга келади. Бу фаслда кўплаб замбуруғлар пайдо бўлади ва ўсиб, кўпаяди.

Ер юзиде замбуруғларнинг юз мингдан ортиқ ботаник турлари мавжуд бўлиб, улардан 200 туригина истеъмол қилиш учун яроқлидир.

Ўзбекистон ҳудудида замбуруғларнинг 300 зиёд тури мавжуд. Бироқ шулардан 25 туригина истеъмол учун яроқли ҳисобланади. Бу истеъмол учун яроқли бўлган замбуруғ турларини маҳаллий аҳоли кўзиқорин деб атайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг ҳар қайси вилоятида, ҳар бир туманида кўзиқориннинг фақат айрим, муайян турларигина терилиб, улардан турли хилда тансиқ таомлар тайёрланади. Бу истеъмол учун яроқли кўзиқоринлар маъданли моддалар, оксил ҳамда "С" ва "В" гуруҳларига мансуб витаминларга жуда бойдир.

Бироқ республикамиз ҳудудида ўсадиган кўзиқоринларнинг

275 дан зиёд ботаник турлари заҳарли ҳисобланади. Уларни умуман истеъмол қилиб бўлмайди. Бундай кўзиқорин турларини ма-



ҳаллий аҳоли ўз ибораси билан заҳарли ўсимлик – "қурбақанинг салласи" деб атайди.

Бу турларга мансуб кўзиқоринлар таркибида гелвелли кислотаси, фаллотоксин, аммонитотоксин ва бошқа заҳарли моддалар мавжуд бўлиб, уларга қанчалик ишлов берилмасин, таркибидаги заҳарли моддалар

йўқолиб кетмайди. Улар қиздиришга жуда ҳам турғун, қайнатилганда зарарсизланмайди, оксиген таъсирида оксидланмайди ва ошқозон-ичак ферментлари таъсирида парчаланмайди. Оқибатда истеъмол қилган кишиларни заҳарланишга дучор қилади. Шундай ўткир заҳарли кўзиқорин турларидан бири "лепиота" деб аталади. У Тошкент шаҳри ҳудудидаги боғларда, қабристонларда, сайхон жойларда, дарахтлар теварагида ва бошқа жойларда ҳам учраб туради. "лепиота" барча кўзиқоринларга ўхшаб соябон шаклида ўсади, уни истеъмол қилган киши қаттиқ заҳарланади.

Республикамизнинг баъзи жамоа ва ширкат хўжалиқларига махсус иссиқхоналарда истеъмол учун яроқли бўлган "вешенка" ва "шампиньон" кўзиқорин турларини етиштириш ва савдо қилиш учун рухсат берилган. Бу хўжалик ва ширкатларда етиштирилаётган кўзиқоринлар ва улардан тайёрланган консерва маҳсулотлари санитария-эпидемиология хизмати лабораторияларида таҳлил қилиниб, улар

инсон соғлиги учун зарарсиз бўлган тақдирда ҳар бир маҳсулот учун гигиеник сертификат берилади. Ана шундай гигиеник сертификатга эга бўлган кўзиқорин ва ундан тайёрланган маҳсулотларни савдо шахобчаларидан харид қилиш ҳеч қандай



хавф туғдирмайди. Заҳарли кўзиқоринни билмай истеъмол қилган кишилар 6-12 соат вақт ўтгандан сўнг кўнгли айная, тез-тез қайт қилади. Ошқозон-ичак фаолияти бузилиб, қоринда оғриқ пайдо бўлади ва бутун аъзойи бадани бўшашиб кетади.

Кўзиқорин таркибидаги заҳарли моддалар жигар, буйрак,

меъда ости беши ва марказий асаб тизими аъзоларини қаттиқ шикастлайди. Кўзиқориндан заҳарланиш аломатлари вужудга келган тақдирда, беморга 5-6 пиёла илиқ намақобли сув ичирилиб, сунъий қайт қилдирилади, унинг меъдаси ювилиши керак. Агар меъда ювилиб, ундаги заҳарли моддалардан халос этилмаса, бу моддалар қонга сўрилади ва заҳарланиш янада оғир кечади. Бу беморларни уй шароитида билар-билмас даволаш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолнинг олдини олиш учун зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш зарур.

Эсингизда бўлсин, заҳарли кўзиқоринлар соғлигингиз учун ўта хавфлидир.

**Шухрат ЮСУПОВ,
Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази.
Гулбаҳор АБДУЛЛАЕВА,
Саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари.**

Шаги здоровья

ИСКУССТВО
ПОБЕЖДАТЬ

В столице началась подготовка параолимпийской сборной команды города Ташкента к чемпионату Узбекистана по легкой атлетике, который должен состояться в городе Чирчике в апреле этого года.



В ходе предстоящих соревнований предусмотрен бег на дистанцию в 100 и 800 метров, а также толкание ядра. Победители республиканского чемпионата примут участие в международных соревнованиях в России по таким видам спорта, как футбол, плавание, дзюдо и другие. Тренировки проходят под руководством замечательного наставника молодежи Рашида Сафариева, подготовившего немало олимпийских и параолимпийских чемпионов.



Спорт



штангой и в жиме лежа. Параолимпийцам было проще – им нужно было поднять штангу в лежачем положении.

Надо отметить, что в чемпионате приняли участие спортсмены из Республики Каракалпакстан, Сурхандарьинской, Хорезмской, Ургенчской, Наманганской, Зарафшанской, Самаркандской, Ташкентской областей и, конечно, из самого Ташкента.

Золотые медали завоевали

ЧЕМПИОНАТ ВЫЯВИЛ
СИЛЬНЕЙШИХ

В зале «тяжелая атлетика» Ташкентского Государственного Института Физкультуры стало традицией проводить соревнования по тяжелой атлетике и пауэрлифтингу.

Вот и в этот раз в Ташкенте проходит открытый чемпионат Узбекистана по

дать стимул к активным действиям.

Организаторами таких соревнований являются Национальная параолимпийская ассоциация Узбекистана, Национальный Олимпийский комитет Узбекистана, Рес-

девушки-параолимпийцы Роза Кузиева, Кудратой Ташпулатова, Мохира Холмунинова, а у мужчин – золото досталось Нуриддину Давлятову, Наврузу Абдурасулову, Юнусу Ходжиходжаеву, Музафару Ахмадалиеву,



тана по powerlifting, на котором наравне со всеми спортсменами, принимают участие и люди с ограниченными возможностями (параолимпийцы). Активно выступают и девушки. Сама цель проведения – вовлечь молодежь, в том числе и женщин в этот вид спорта не требующий сложной технической подготовки как в тяжелой атлетике и дать шанс людям с ограниченными возможностями почувствовать интерес к жизни,

публиканская Федерация пауэрлифтинга и Республиканский комитет по делам культуры и спорта Узбекистана.

Чемпионат открылся с выступлениями субюниоров, юниоров и взрослых в весе от 53 кг. до 74 кг., где помимо здоровых спортсменов, выступили и параолимпийцы (мужчины и женщины). Им надо было состязаться в отрыве штанги от пола, приседаниях со

Хамиду Раджабову, Гулому Якубову, Ахрору Базарову, Искандеру Турсунбаеву, Яшину Шобердиеву.

Все они получили дипломы и подарки. Квалифицированную медицинскую помощь спортсменам оказывала медицинская бригада из Ташкентской высшей школы спортивного мастерства.

А. ПОПОВ.
Фото автора.

Жараён

КИШЛОКДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ МУАССАСАСИ



Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги «Қахрамон» қишлоқ врачлик пунктида барча замонавий шароитлар яратилган.

Тиббиёт муассасаси шифокор ва ҳамширалари қишлоқ аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Айниқса, болалар ва туғиш ёшидаги аёлларни тиббий текширувдан ўтказиш ҳамда соғломлаштириш ишлари изчил олиб борилаётир. Шунингдек, кексаларнинг саломатлигидан доимий бохабар бўлиш, уларга ўз вақтида зарур тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам алоҳида эътиборда.

Фарход АБДУРАСУЛОВ
олган суратлар.
(ЎЗА).



Хурматли газетхонлар!

Кейинги йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бериб келаётганлиги қувонарли, албат-

та. Айниқса, давлатимиз томонидан бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимига қаратилаётган эътибор бундан мустасно эмас. Газетамизда «Савол беринг – жавоб берамиз» руқни остида мутахассислар билан му-

лоқот олиб борилмоқда. Агар Сизда бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкиллаштириш бўйича саволлар бўлса, вазирикнинг Марказий штаби barno.odilova@minzdrav.uz электрон манзили ёки 241-86-16 телефон

рақамига мурожаат қилинг.

Мутахассислар томонидан берилган жавоблар «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси саҳифаларида чоп этиб борилади.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 6732 нусха.
Буюртма Г-458.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

